

ТАСБИҲЛАР НАМОЗИ

05:00 / 04.01.2017 5191

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аббос ибн Абдулмутталибга: «Эй, Аббос! Эй, амаки! Сенга ато берайми? Сенга марҳамат қилайми? Сенга лутф кўрсатайми? Сени ўнта хислатли қилиб қўяйми? Қачон сен ўшаларни қилсанг, Аллоҳ сени гуноҳингни; аввалгиси-ю охиргисини, қадимгиси-ю янгисини, хатоси-ю, қасдданини, кичиги-ю каттасини, сирини-ю ошкорини мағфират қилади. ўша ўн хислат; тўрт рақъат намоз ўқимоғинг. Ҳар рақъатда фотиҳаи китобни ва бир сура ўқийсан. Қачон биринчи рақъатда қироатдан фориғ бўлсанг, турган ҳолингда: «Субҳаналлоҳи Валҳамду лиллаҳи Валаа илаҳа иллалоҳу Валлоҳу акбар» деб ўн беш марта айтасан. Сўнг рукуъ қиласан ва рукуъда турган ҳолингда уларни ўн марта айтасан. Кейин саждага йиқиласан ва уларни сажда қилган ҳолингда ўн марта айтасан. Сўнг бошингни саждадан кўтариб, уларни ўн марта айтасан. Кейин сажда қилиб яна ўн марта айтасан. Сўнг бошингни кўтариб (ўтириб) уларни ўн марта айтасан. Ана ўша бир рақъатда етмиш бештадир. Буни тўрт рақъатда ҳам қиласан. Агар, бу намозни ҳар куни ўқий олсанг, шуни қил. Агар қила олмасанг, ҳар жумада бир марта. Агар уни ҳам қила олмасанг, ҳар ойда бир марта. Агар уни ҳам қила олмасанг, ҳар йили бир марта. Агар уни ҳам қила олмасанг, умрингда бир марта», дедилар».

Бошқа бир ривоятда: «Агар сен ер аҳлининг энг катта гуноҳкори бўлсанг ҳам, албатта, у ила сенга мағфират қилинур» деган жумла зиёда қилинган. Абу Довуд ривоят қилган.

Термизийнинг иборатида: «Агар гуноҳларинг қумтепа мислича бўлса ҳам, Аллоҳ уларни сендан мағфират қилади», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисни Абу Довуд ва Термизийдан бошқа, Ибн Можа, Байҳақий, Ибн Хузайма, ал-Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Ибн Муборак, Табароний, ал-Хатиб, ал-Ожурий, Абу Саъид ас-Самъаний ва Абу Мусо ал-Мананий ва Имом Бухорий «Жузул Қуръон»да, ривоят қилган.

Ибн Абу ас-Сайф ал-Яманий «ал-Ламъа фи рағоиби явмил Жумуъа» китобида Термизийнинг қуйидаги гапларини келтиради:

«Тасбиҳлар намозини Жума куни завол пайтида ўқимоқ мустаҳабдир. Биринчи ракъатда «Фотиҳа»дан кейин «Такасур»ни ўқийди, иккинчисида «Вал Аср»ни, учинчисида «Кофирун»ни, тўртинчисида «Ихлос»ни» ўқийди, деб туриб охирида ўқийдиган қўшимча дуони ҳам келтирган.

Абу Усмон ал-Хайрий аз-Зоҳид: «Қийинчиликлар ва ғам ғуссалар учун Тасбиҳлар намозидан яхши нарса кўрмадим», деган.